

## МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ БЎЛИНМАЛАРДА ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИКНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ШАХСИЙ ТАРКИБНИ КЎНИКМАЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Абдуллаев Бахриддин Тожалиевич**

*ФарДУ Харбий таълим факультети Услубий тайёргарлик цикли ўқитувчиси*

**Тожалиев Шермухаммад Бахриддин ўғли**

*ФарДУ Харбий таълим факультети 1-босқич курсанти*

**Аннотация:** Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилган туб ислохатлар давомида ҳарбий мутахассисларнинг касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий мутахассислар тайёрлаш замонавий талаблар асосида бугунги кунда ҳарбий бўлинмаларда шахсий таркибни кенг билим ва тафаккурга, юқори профессионал кўникма, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, янгича фикрлайдиган, мураккаб жанговар ҳаракатлар шароитида ўз вазифасини муваффақиятли уддалашга қодир кадрлар ташкил этмоқда.

**Калит сўзлар:** жанговар тайёргарлик, узлуксиз ҳаракатлар, қуролли кучлар, шахсий таркиб.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган шароитда жаҳондаги ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда миллий хавфсизликка бўлган ҳарбий таҳдидлар Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан юқори даражадаги жанговар шайликни, мустаҳкам ирода ва жисмоний мукамалликни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги бўлинмалари шахсий таркибининг кундалик доимий жанговар тайёргарлигини юқори даражада ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини муносиб ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги юқори интеллектуал салоҳиятлик даражасида бўлишига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги бўлинмаларида юқори касбий билим, жисмоний малакага ва тафаккурга эга ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, бўлинмаларнинг юксак жанговар шайлигини сақлаш мақсадида:

Бўлинма шахсий таркиби орасида яқкалик машғулотлари, гуруҳлар турларига қараб низом машқлари, кўриклаш, отишма, тактик машқлар, дала муҳандислиги, ўқув маневрлари ҳар бири ўзига хос тарзда, интенсив машғулотлар, комплекс машқларни босқичма-босқич, тўлиқ ва муваффақиятли бажариш барча шахсий таркибдан талаб қилинади.

Жанговар тайёргарлик командирлар, кўмондонлик ва бошқарув органлари (штаб) ва кўшинларнинг кундалик фаолиятининг асосий мазмунидир. Бу тинчлик даврида ҳам, уруш даврида ҳам амалга оширилади ва бўлинмаларнинг ўз олдига кўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қодир бўлган яхши тайёрланган ҳарбий хизматчилар, бўлинмалар, бўлинмалар ва тузилмаларга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ.

Жанговар тайёргарликнинг мақсади кўшинларнинг доимий жанговар тайёргарлигини таъминлаш, шахсий таркибнинг ҳарбий касбий тайёргарлиги, уларнинг жисмоний чидамлилиги, экипажлар, бўлинмалар ва уларнинг кўмондонлик ва бошқарув органларининг уйғунлигига эришиш, сақлаш ва такомиллаштиришдан иборат, (штаб) ўз мақсадига мувофиқ жанговар ва бошқа вазифаларни бажаришдир. Бўлинмаларда жанговар ва жисмоний тайёргарлик самарадорлигини ошириш учун жанговар узлуксиз ҳаракатларни мувофиқлаштириш дарсларини ташкил этиш, кўникмалар ҳосил қилиш, илғор ва услубий тажрибаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Амалдаги режа ва дастурларга мувофиқ узлуксиз машқ ва синовларни ўтказишда махсус кўрсатмалар оладилар. Масалан, отишма бўйича қўлланмалар, махсус тренажёрлар, кузатув ва транспорт воситаларини бошқариш учун тренажёрлар, маҳаллий тўсиқлардан ўтиш жойлари ва махсус тактик ёки бошқа турдаги майдончаларни жиҳозлаш, ўқув машғулотларини ўтказишда бўлинмалар ўртасида ҳарбий мусобақаларни ташкил қилиш масалан, пиёда юриш (марш-югуриш) - тезкор пиёда юриш, кўшинлар ёки алоҳида бўлинмаларнинг 5-10 кмга юриш ёки югуриш билан уюшган ҳолдаги ҳаракатлари, шунингдек куч машқлари танани қисқа муддатли ўртача юкламаларга, узоқ муддатли ўртача узлуксиз юкламаларга ҳамда мускулларни чидамлилиқ ва юқори ҳажмдаги юкламаларга мослаштириш машқларини белгилаш умумий ҳарбий тайёргарлик бўлинмаларнинг тури ва туридан қатъи назар барча ҳарбий хизматчилар учун зарур деб ҳисобланган фанларни ўқитиш бўйича машғулотлар мажмуаси ишлаб чиқиш зарур. Ҳарбий тайёргарликнинг айрим турлари шахсий таркибнинг ҳарбий мутахассисликларига қараб тўлиқ кўникма ва малакаларга эга бўлгунча амалга ошириш керак. Шахсий таркибни касбий савиясини ошириш мақсадида бўлинма ва кўшинларда ўқитишнинг янги шакл, услуб ва усуллари ишлаб чиқилиши ёки илғор тажрибага эга давлатлар андозасидан фойдаланган ҳолда ҳар томонлама синовдан ўтказиш талаб этилади.

Бўлинмаларда жанговар тайёргарликнинг асосий омилларидан бири алоҳида барча турдаги ноқонуний уюшган террористик гуруҳларни ва уларнинг ташкилий тузилмаларини, жанг олиб бориш усуллари, террористик гуруҳ қурол-аслаҳа жиҳозлари ва уларнинг ноанъанавий хатти- ҳаракатларини ўрганиш бўйича шахсий таркиб учун давр талабига мос услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки жанговар тайёргарлик ўқув жараён фаолиятида вужудга келган шахсий таркибнинг баъзи муаммолари ҳар доим чуқур фикр юритишга мажбур этади.

Ҳарбий бўлинмалар жанговар қобилиятини ошириш ва ҳарбий хизматчиларда Ватанга ва ўз касбига садоқат ҳиссини ҳамда жамоа ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ҳарбий анъаналарни шакллантириш, бўлинмалардаги доимий юқори жанговар шайликни сақлаш, ҳарбий хизматчиларда ўз кучига бўлган ишонч ҳиссини тарбиялаш, уларда қатъий ирода ва руҳий барқарорлик каби сифатларни ривожлантириш, экстремал шароитларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантириш асосий мақсад ҳисобланади.

Хулоса ўринда айтиш лозимки, бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, Ўзбекистон ҳарбий вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, ғалабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёев. 2021 йилдаги 40-сонлий қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.12.2021 й., 07/21/40/1156-сон).
3. И.К. Абдукавримов. Мен генерал бўламан. Ў., -Чўлпон, 2001й
4. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги Ҳарбий энциклопедия В. Ф. Новитский ва бошқалар .И. Д. Сйтин, Санкт-Петербург 1994-1995 й.
5. Ҳарбий атамалар луғати. А. М. Плехов, С. Г. Шапкин. М.А. Ҳарбий нашриёт, 1988 йил.
6. Мудофаа вазирлигининг ҳарбий нашриёти, . М. Прохоров 1998. Москва
7. Қуролли Кучларининг Умумий Ҳарбий Низоми. Ҳарбий нашриёт Москва. 1999 йил .
8. Жанговар таёрғалик ўқув кулланмаси №71. Блинов В.И. Карпов О.И. Худяков А.М-2001 йил Россия.